



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 28 декабрь, шанба

• №103 (11.491)

• Эркин нархда сотилади

МОҲ: КЕЛИШУВЛАР ҲАЁТДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Марказий Осиё ҳамкорлиги" (МОҲ) ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 27 декабрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди.

Ислам Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизда тузилган ушбу ташкилотнинг расмий таъсис ҳужжати шу йил 28 февраль куни имзоланган эди. Кейин президентлар 6-7 июль кунлари Оқтов (Қозоғистон), 5-6 октябрь кунлари эса Тожикистон пойтахтида учрашди. Остона саммити тўртинчи олий даражадаги учрашув бўлди.

Ўтган давр янги ташкилот ўз олди-га қўйилган мақсадлар сари жадал

одимлаётганини кўрсатмоқда. Аъзо мамлакатлар минтақадаги умумий ечим топилиши керак бўлган масалаларни баҳамжихат муҳокама қилиб келяпти, халқаро муаммоларга ёндашувлар ҳам бир-бирига мос.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувидан лавҳа.

А. ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашуви якунлари бўйича ҚЎШМА КОММЮНИКЕ

2002 йил 27 декабрда Остона шаҳрида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" (МОҲ) ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари МОҲ олдида турган вазифалар, биринчи навбатда, 2002 йил 5 октябрда Душанбе саммитида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши, жумладан минтақада хавфсизлик, Марказий Осиёда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш каби ғоят муҳим минтақавий муаммоларни ҳал этиш ҳамда МОҲ мамлакатларининг халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича халқаро ташкилотларда ўзаро ҳамкорлиги масалаларини батафсил муҳокама қилди.

МОҲни мустақамлаш ташкилотга аъзо давлатларнинг стратегик манфатларига мувофиқ эканлиги яна бир бор қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий интеграциянинг барқарор тизимини шакллантириш бўйича ҳамкорликни давом эттириш минтақада барқарорликни таъминлаш ва ўзаро англашувни мустақамлашнинг энг муҳим йўналиши сифатида ташқи сиёсатдаги асосий устуворликлардан бири эканлигини таъкидлади.

Томонлар минтақада ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш учун янги, замонавий талабларга жавоб бе-

радиган шакллар, услублар ва ёндашувларни топиш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида биргаликда чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги ҳамда бу муаммони ҳал этиш бўйича, биринчи навбатда, даромадлари халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлашга сарф этилаётган наркотрафик йўлларини аниқлаш ва бар-тараф этиш соҳасида яқин ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари чегараларо жиноятчилик ва ноқонуний миграцияга қарши кураш муаммоларининг долзарблигини, шу муносабат билан МОҲ мамлакатлари чегара, боғхона ва солиқ хизматлари ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда бу масалалар юзасидан кўп томонлама битим ишлаб чиқиш бўйича тегишли чораларни кўриш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари МОҲнинг Душанбе мажлисида эришилган келишувлар ижросининг боришини ижобий баҳолайди.

2002 йил 18 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган МОҲ давлатлари парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви Марказий Осиёда катта сиёсий воқеа бўлди. У парламентларо ҳамкорликни кенг ривожланти-


(Давоми 2-бетда).

ЯНА КЎРИШГҮНЧА

Азиз газетхон! Мана, бизга катта қувонч ва янгиликлар келтирган, баъзан эса, ташвиш ва муаммолар синоатини ҳис этиш имконини берган 2002 йил поёнига етмоқда. Аммо, нима бўлганда ҳам, якунланаётган йилимизнинг сўнгги кунларида қўлимизни кўксимизга қўйиб айтадиган шукроналаримиз шуки, ҳар биримиз бу йил бир ёш улғайдик, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида қандай ҳаракат қилиб, қандай яшаш борасидаги тажрибаларимиз, кўникмаларимиз, малакамиз янада ошди.

Йил давомида Сиз азизларнинг хизматингизда бўлдик. «Тошкент ҳақиқати» ҳафтада икки бора хонадонларингизга, иш жойларингизга 103 марта кириб бориб, Сизларни бу кўҳна олам аҳлининг қувончларию ташвишлари, ютуқларию бой берилган имконлари билан таништириб келди. Албатта, унинг мамлакатимиз жаҳон майдонидаги савб-ҳаракатлари, ички ҳаётимизнинг сурурли воқеалари, маънавий-маданий ҳаётимиз янгиликла-

(Давоми 2-бетда).



ТАНСИҚДИР ДУНЁДА ЯГОНА ВАТАН

*Бу элга ҳамisha тинчлик тансиқдир,
Тансиқдир дунёда ягона Ватан.
Остона олдида турар Янги йил,
Ижобат ниятлар кўқарар ундан.*

*Юрт яна юксалар, бахт ойдаи ёруғ,
Янги орзулардан кўз очар куртак.
Мусаффо осмоннинг ҳарир кўксиди,
Фасллар ўзига бичади қўйлак.*

*Тозариб боради элнинг умиди,
Даврага тўқилар файзли хосият.
Ўзини яна ҳам танитиб яшар,
Навқирон кўзли бу — ўктам хуррият!*

*Эски йил қадрдон дўстнинг дийдори,
Янги йил соғинча тўла бир макон.
Нетонг бу одамзот кечадан кўра,
Эртанги кун билан мукамал экан.*

*Янги йил бағрига қучоғин очган,
Инсоннинг доимо келар билгиси.
Ҳаётда ўзгариш мавжуд ва лекин,
Ватаннинг бўлмайдди эски-янгиси.*

Ҳамид НОРҚУЛ.

**КИРИБ КЕЛАётган Янги ЙИЛнингиз
МУБОРАК БЎЛСИН, ЮРТДОШЛАР!**

МОҲ: КЕЛИШУВЛАР ҲАЁТДА ЎЗ АКЦИНИ ТОПМОҚДА

Ташкилотга раислик қилаётган мамлакат — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Душанбе саммитидан кейин ўтган даврда бажарилган ишларни сарҳисоб қилар экан, Тошкентда МОҲга аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралари вакилларининг форумлари ташкил этилгани кўп жиҳатдан фойдали бўлганини таъкидлади. Дарҳақиқат, дипломатлар, ҳукумат делегацияларининг ўзаро борди-келдилари қаторида, илм-фан, маданият каби ижтимоий соҳалар намояндаларининг ҳамкорлиги яхши ривож топган пайтда, қонун чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг бевосита мулоқоти шу вақтгача йўлга қўйилмаган эди.

Президентларнинг саммит якунлари бўйича қабул қилган қўшма коммюникесидан ҳам ишбилармонларнинг алоқалари ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилиши, парламентлар вакилларининг мулоқоти эса, қонунчиликни мувофиқлаштириш ва шу орқали муносабатларни янги мазмун билан бойитиши таъкидланади.

Мамлакатимиз раҳбари бундай учрашувларга мунтазамлик тусини бериш тақлифини илгари сурди.

Саммитда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар ҳам муҳокама этилди. Президент Ислон Каримов мазкур мамлакатдаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

вазият ҳали хотиржамликка берилмайдиган даражада эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқаро коалициянинг асосий ҳарбий операциялари ниҳоясига етганига қарамай, Афғонистонда ҳали қуролли тўқнашувлар содир бўлиб турибди. Токио конференциясида ваъда қилинган ёрдам тўла олинмаётгани ва бошқа сабаблар бу мамлакатда ижтимоий барқарорликни ва марказий ҳукуматга ишончни мустақамлашга тўсқинлик қилиши табиий.

МОҲнинг Душанбе саммитида Афғонистондаги тикланиш ишларида бамавсалаҳат биргаликда иштирок этиш масаласи кўтарилган эди. Бу сафар ҳам Президент Ислон Каримов анжуман иштирокчилари эътиборини шу мавзуга қаратди. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Афғонистон вакилларини МОҲ анжуманларига кузатувчи сифатида қатнашишга тақлиф этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Афғонистон вакилларининг бевосита иштирокида тикланиш масалалари муҳокама қилинса, нафақат бу давлатнинг салоҳияти ва имконияти тўлароқ ишга солинар, балки мазкур жараёнга четдан қўшилаётган ҳиссанинг самараси ҳам ортар эди.

Ислон Каримов илгари сурган яна бир масала давлат чегараларини аниқ белгилаб олиш ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро расмийлаштириш билан боғлиқ бўлди.

Аҳамияти беқиёс бўлган бу ишни аввало замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Иккинчидан, минтақа мамлакатларига ҳолис на-

зар билан қарамайдиган айрим доиралар қўшни ўлкалар орасига нифоқ солишга уринади. Бу борада этник омиллар, сув захираларининг тақсимоли, коммунификация тармоқларига оид масалалардан "айб-нуқсон" қидириш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари чегарани белгилаш баробарида, унга бевосита ё билвосита алоқадор бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш мумкинлигини таъкидлади. Жумладан, божхона, солиқ, чегара зонасидаги савдосотиқ муаммоларини ечиш, хориждан келаётган сифатсиз моллар оқимини тўхтатишда ҳамжиҳатлик билан юритилган ишнинг самараси катта бўлиши аниқ.

Анжуман қатнашчилари Орол инқироzi, ноқонуний миграция, уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси каби муаммолар, минтақамизни ядро куралидан холи зонага айлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Шундай қилиб, тузилганига ҳали бир йил тўлмаган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти ўзининг тўртинчи саммитини ўтказди. Аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга иштиёқи ва интилиши кучли эканлигини яна бир бор намоён этган саммит тарихи янги ютуқлар билан бойиётган ушбу ташкилот доирасида эришилган келишувлар ҳаётда ўз аксини топаётганидан далолат беради.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири,
Тошкент-Остона-Тошкент.

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкilotига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашуви якунлари бўйича

ҚЎШМА КОММЮНИКЕ

риш ва минтақа давлатлари қонунчилигини яқинлаштиришга янги туртки берди.

2002 йил 27-28 ноябрда Тошкентда ўтказилган "Марказий Осиё ҳамкорлиги — иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш" мавзусидаги Бизнес-форум натижалари ижобий баҳоланди. Шу муносабат билан таъкидландики, иқтисодий интеграциянинг реал тармоқларини МОҲ интеграция жараёнларига жалб этиш ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустақам асос вазифасини ўтайди.

Давлатлар раҳбарлари Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси доирасида фаол ҳамкорликни давом эттириш ва унинг ишини фаоллаштиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Шу муносабат билан БМТ институтлари ва донор мамлакатларнинг Орол инқироzi ва минтақадаги сув муаммоси ҳал этилишидан манфаатдорлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлатлар раҳбарлари Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизлик Афғонистондаги вазият билан узвий боғлиқ эканини яна бир бор қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари Х. Карзай бошчилигидаги марказий ҳукумат сиёсатини қўллаб-

қуватлайди ва жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонни тиклаш учун молиявий ёрдам ажратиш бўйича Токио конференцияси қарорларини имкон қадар тезроқ бажариш зарурлигига эътибор қаратишга чақиради.

Давлатлар раҳбарлари халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари, шу жумладан Марказий Осиёда ядро куралидан холи зона яратиш жараёнини янада тезлатиш борасида МОҲ мамлакатларининг ҳамкорлиги муҳимлигини таъкидлади. Ташқи ишлар вазирликларига ядро куралига эга давлатларнинг Марказий Осиёда ядро куралидан холи зона яратиш тўғрисидаги Шартнома лойиҳаси бўйича билдирган тақлиф ва мулоҳазалари юзасидан Марказий Осиё давлатларининг ўзаро мувофиқ нуқтаи назарини ишлаб чиқиш борасидаги ишларни фаоллаштириш топширилди.

Учрашувда Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Украина вакиллари кузатувчи сифатида қатнашди.

Томонлар меҳмондўст қозоқ заминидан самимий ва дўстона қабул учун Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбаевга миннатдорлик билдирди.

Остона, 2002 йил
27 декабрь.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЯНА КЎРИШГҲНЧА

ри, нуқсонларимиз ёки камчиликларимиз ҳақидаги чиқишлари Сизни қувонтириб ёки ўйлантириб, баракаларок меҳнат қилишга, яхшироқ яшашга руҳлантирди.

Буни Сиз азизларнинг кўпчилигининг таҳририятимизга йўллаб турган мактубларингиздан, шахар ва туманлардаги учрашувларимиз чоғида билдирган мулоҳазаларингиздан англаб турдик ва шу асосда ижодий ишларимизни яна ҳам жонлантириш ҳаракатида бўлдик. Яна шуни ҳам англадикки, ҳали Сизларнинг олдингизда кўп қарздоримиз. Ўз се-

(Давоми. Боши 1-бетда).

вимли газетангиз, кўпийлик қадрдон суҳбатдошингиздан нималар кутаётганлигингизни, унчалик оддий бўлмаган бугунги кунда унинг саҳифаларида қандай мақолалар ўқишни истаётганлигингизни ҳам ўқиб турибмиз. Ижодкорларимиз Сиз азизларни ҳеч қачон ноумид қилишмаган, хизматингизда ҳамisha камарбаста туришган.

Бугун ҳам кўлимиз кўксимизда — хизматингиздамыз. Бизнинг ижодий режаларимизни қўллаб-қувватлаб, маънавий ва доимий обуначимиз сифатида моддий рағбатлантириб келаётганлигингиз учун алоҳида миннатдорчилигимизни қабул қилинг. Бу

галги қўллаб-қувватлашингиздан яна шуни ҳам англадикки, мамлакатимиз, вилоятимиз маънавий-маърифий ҳаётида «Тошкент ҳақиқати»нинг ўз ўрни бор. Кириб келаётган йилда Сизларга шунга мос, шунга хос хизмат қилиш тараддудидамыз, ўз ижодий режаларимизни шунга яраша тузмоқдамиз. Бунга 2003 йилда ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Ҳозир эса барчангизни яқинлашиб келаётган янги — 2003 йил билан самимий муборакбод этамыз. Янги йилда ҳар бирингизга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Юртимиз тинч, хонадонларингиз обод, дастурхонингиз тўкин ва баракали бўлсин.

Янги йилда яна кўришиб,
суҳбатлашгунча, азизлар!

Оммавий-ватанпарварлик ойлиги доирасида Бўка туманида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Олтмишга яқин уруш қатнашчилари бугунги авлод тарбияси, ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикрлашиб олишди. «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Усмонали Ҳасанов ўсмирлар тарбиясида кекса авлоднинг ўрни ниҳоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Нотиклар ўсмирлар ўрта-

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

сида маънавий муҳитни яна ҳам яхшилаш, манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш хусусида гапирдилар.

— Оммавий-ватанпарварлик ойлиги давомида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув муассасалари, коллеж талабалари ҳамда маҳалла ёшлари орасида дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини янада мустақамлаш, ҳарбий хизматчилар билан учрашувлар, аскарларимизнинг маънавий ва

жангвор тайёргарлик жараёни билан ўсмирларни яқиндан таништириш тадбирларини ўтказяпмиз, — дейди мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бўка туман кенгашининг раиси Усмон Зулқайнаров. — Шу мақсадда «Мардлар кўриқлайди Ватанни», «Куч — адолатда» каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказишни режалаштириб турибмиз.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Тадбир

Кун тартибида РЕКЛАМА

Ражаббой оиласи билан сотувчилик орқасидан мўмайгина даромад топиб, тирикчилик қилиб юрарди. Дўст-у ёрлар маслаҳати билан кичикроқ ишлаб чиқариш корхонасини оёққа турғазини илинжида банкдан кредит олиб, шахарча марказида жойлашган, анчадан буён қаровсиз иморатни пойабзал ишлаб чиқариш цехига айлантирди. Югур-югурлар билан илк маҳсулот ҳам дунё юзини кўрди. У нафақат Ражаббой истиқомат қилаётган шахарчада, балки қўшни туманларда ҳам савдога қўйилди. Лекин...

Расталарда савдо қилаётган йигитларнинг айтишича, моллар туриб қолаётганмиш. Бу «шум» хабар қахрамонимиз учун қутилмаган зарба бўлди. Нима қилиш керак? Шу пайт тадбиркорликнинг «пири»га айланган дўсти — Муродилла унинг жонига оро кирди.

— Ўзи маҳсулотингизни реклама қилдингми, — сўради у.

— Нима қиламан реклама қилиб? Кўриб турибсанку, маҳсулот сифатли, бежирим, чиройли. Яхши маҳсулотни кўз-кўз қилишдан нима наф?

— Шу дунёқарашинг билан икки дунёда қосанг оқармайди. Реклама билан жиддий шугуллан. Маҳсулотинг ўтиб, ташаббус бўлиб кетганда, зиёфатга келаман, — Муродилла шундай деб, семинар-кенгаш тақлифномасини тутқазди.

Ушбу семинар-кенгаш «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида 25 декабрь куни Оҳангарон шаҳри хокимлигида ўтказилди.

«Тошкент вилояти шахарларида реклама бозорининг ҳозирги аҳволи ҳамда уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги бу анжуманда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлими вилоят бўлими ҳамда уларнинг жойлардаги бўлимлари, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, реклама агентликлари, хокимликлар вакиллари, корхоналар, ташкилотлар, уларнинг маркетинг бўлимлари раҳбарлари ва албатта, манфаатдор шахслар иштирок этишди.

Семинарни «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Дийёр Мирзаахмедов очди. Унинг таъкидлашича, 5 йил аввал реклама берувчилар ақсарият чет эл фирмаларидан иборат эди. Улар асосан тамаки ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишарди. Шундан сўнг аста-секин қўшма корхоналарнинг сони ўса бош-

(Давоми 6-бетда).

ЙИЛНИНГ СЎНГИ ХАБАРЛАРИ

- Пойтахтдаги «Фотон» очик турдаги акционерлик жамиятида хориз технологияси – Италиянинг «Marsilli» автоматик базасига мослашган мониторлар ва янги турдаги рангли телевизорлар учун трансформаторлар тайёрлаш йўлга қўйилди.
- Тошкент темир йўл мухандислари институти ташкил этилганига етмиш йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда институт олимлари томонидан яратилаётган илмий ишланмалардан нафақат темир йўл соҳаси, балки халқ хўжалигининг барча тармоқларида самарали фойдаланилаётгани таъкидланди.
- Тошкент ахборот технологиялари университетига Япониядаги «NEC» ва Хитойнинг «Шанхай-Белл» компаниялари лойиҳаси бўйича электрон телефон станцияси ўқув лабораторияси ва рақамли радиореле линияси иш бошлади. Ушбу замонавий лабораториялар компьютер орқали бошқарилади.
- Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси аъзолари корхонани бошқаришнинг халқаро тажрибаси бўйича мутахассисларнинг молиявий ҳисоб-китоб борасидаги билимини оширишга қаратилган янги ўқув қўлланмасини ишлаб чиқди. Бунга Бишкекда ўтказилган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон профессионал уюшмалари вакилларининг учрашувида келишиб олинган эди.
- Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистондаги кам таъминланган оилалар, микрокорхоналар ва кичик бизнесга микромолиялаш хизматлари кўрсатишда кўмаклашиш учун 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит ажратилишини маъқуллади.



БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

«Росси» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонасида тайёрланган ширинликларни эндиликда ҳар бир оила дастурхонида учратиш мумкин. У республикамиз ички бозоридаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бу ерда тайёрланган турли қандолатлар харидоргир бўлмоқда, чунки улар сифат жиҳатидан энг юқори мезонларга ҳам тўла жавоб берапти.

Ўз маҳсулотлари халқимиз дастурхони беагаи бўлиб қолган жамоа 2002 йилда ҳам самарали ишлади. Маҳсулот ҳажмини кенгайтириш қатори уларнинг турларини кўпайтирди. Ҳозирги вақтда ишчилар кўлидан чиқаётган 40 хилга яқин ширинликлар барча вилоятлардаги савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

СУРАТЛАРДА: юқориди — қандолатчилар Наргиза Муҳамедова билан Наргиза Жавлонхўжаева Президентнинг янги йил совғаларини қадоқлашмоқда; пастда — уста Хадича Боймирзаева билан қандолатчи Зухра Маҳамадсалаева иш устида.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Корхоналардан дарақлар

КЎШИМЧА 25 МИНГ ТОННА

Аммиак селитраси Чирчиқдаги «Электромеханика» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган асосий маҳсулот турларидан бири.

Унга талаб эса, мунтазам ортиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, унинг етакчи тармоғи пахтачиликда кўплаб ишлатилади. Шунинг билан олган корхона жамоаси бундай маҳсулот бўйича барча буюртмаларни вақтида бажармоқда.

Жорий йилда ундан 400 минг тонна тайёрлаш кўзда тутилган эди. Режа муддатидан ўн беш кун илгари ортиги билан урданди. Йил охиригача мижозларга кўшимча 25 минг тонна шундай маҳсулот етказиб берилиши мўлжалланмоқда. Бу уларнинг янги йил байрамига муносиб совғалари бўлади.

Шокир ТЎҒОНОВ.

БЕЖИРИМ ВА ЗАМОНАВИЙ

«Ғунча» тикувчилик акциядорлик жамияти чеварлари кўлидан чиқаётган кўйлақлар, костюмлар, албатта, бежирим, нафис, болалар кийганда қувнайдиган даражада сифатли.

Жамоа ишда бунга алоҳида эътибор бермоқда. Шу билан бирга, маҳсулотнинг замонавий бўлиши йўлида тинмай изланмоқда.

Шунинг учун маҳсулотлари савдо шаҳобчаларида туриб қолмапти. Йил давомида тайёрланиши режалаштирилган 300 миллион сўмлик болалар кийим-кечаклари ярим ой барвақт буюртмачиларга етказиб берилди ва режа 102,2 фоиз қилиб бажарилди.

Ўз мухбиримиз.

Сарҳисоб

Ҳозир кўпчилик учун янги йил байрами таратқилиш даври бўлса, деҳқон учун айни сарҳисоб мавриди. Бир йиллик меҳнатининг неъматини кўнгилик дастурхонидида кўрмагунча, байрам татамайди унга. Чунки, йилдан йилнинг фарқи бор, деб бежиз айтилмайди.

Мана, ўтаётган йилни олиб кўрайлик. Бемаврид ва беҳисоб ён фақат ерни ва ғўзанигина эмас, балки, пахтакорни ҳам эзиб юборди. Бузиб, қайта экиш, кўшимча ўғит, ортиқча ишлов дегандек, сарф-харажат кўпайиб кетди. Бундай шароитда молия-ҳисоб марказида ўтириб олиб, ҳисоб-китобни охирига етказмагунча, пудратчининг кўнгли жойига тушмайди.

Аслида деҳқон учун йилдан йилнинггина эмас, ҳатто, кундан куннинг фарқи бўлади. Кунини бой бермайдиган деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам экинини асрайди, ҳосилнинг ҳам, даромадининг ҳам баракасини учирмайди.

Жумладан, бизнинг хўжалигимизда ҳам кейинги йилларда, тўғрироғи ширкат усулига ўтилганидан буён деҳқончиликнинг ҳамма тармоғи, ҳатто, чорвачилик ҳам барқарорлашди. Йил барча кўрсаткичлар бўйича ортиги билан яқунланмоқда. Тўғри, чорвачиликни ҳам мўмай даромад келтирадиган даражага етказиб олиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак, қилаёلمиз ҳам. Кўнглимиз тўх, бунга албатта эришамиз.

Биз деҳқончиликда нималарга эришаётган бўлсак, буларнинг ҳаммаси амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг шарофатидир. Қишлоқ хўжалигидаги туб ислохотлар, аввало, деҳқонга катта эркинлик берди. Ҳар бир пудратчи ўзига мустақил. Экинни қачон экиш, қайси агротехник тадбирни қачон

ва қандай ўтказиш, ҳосилни йиғиштиришга қачон киришиш ўзининг ихтиёрида. Уста пахтақору ғаллакорлар, яъни ҳақиқий мутахассислар шулар аслида. Негаки, экиш, парвариш, ҳосилни йиғиб-териш ҳар йилги қиладиган ишлари, обдон ҳаддини олишган. Кези келса, мутахассисларга ҳам ўргатишлари мумкин.

ий талабчанлик», «қаттиққўллик» деган гаплар қолиб кетди энди. Уларнинг ўрнига «моддий манфаатдорлик», яъни иқтисодий омиллар кучга кириб бормоқда.

Ислохот туфайли юз бераётган бундай ўзгаришлар самараси бозор иқтисодиёти талаб қилганидек, иқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмоқда. Чунинчи, бу йил вилоят бўйича пахта 15-20 кун кеч пишди. Лекин, биз ҳар йилгидек, сентябрнинг биринчи ўн кунлигида, яъни 70-80 фоиз ҳосил етилганда теримни бошладик ва режани биринчилардан бўлиб бажардик. Пахтачилик барқарор бўлгани учун бизга уруғлик пахта етиштириш ишониб топширилган. 750 тонна ўрнига 1000 тоннадан зиёд уруғлик пахта сотиб, ишончини ёруғ юз билан оқладик. Қолаверса, кўшимча даромадли бўлдик.

Дарвоқе, хўжалик бўйича умумий даромадимиз 380 миллион сўм бўлса, шундан 256 миллион сўми пахтачиликдан келди. Бу тармоқдан 52,8 миллион сўм соф фойда қолди. Пудратчи оилаларнинг даромади ҳам шунга яраша, албатта. Масалан, имкониятларига қараб, 1,5 ва 2 гектар ерга чигит қадаган Зеби Тошбоева ва Сора Хидирова 50 центнердан ҳосил кўтаришди. Топширган пахталари ҳисобидан 350-400 минг сўмдан даромад олишди. Бугдой эккан пудратчиларимизнинг даромади бундан ҳам ошади.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалигимиз аъзолари 2002 йилни рўзгорларда барака, дилларида шукроналик билан кузатиб, янги йилга яхши ният ва дадил қадам билан кириб бормоқдалар.

РЎЗГОРДА БАРАКА, ДИЛДА ШУКРОНА

Раҳимжон ҲАКИМЖОНОВ,
Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли
ширкат хўжалиги бошқаруви раиси

Менга қолса, бугунги пудратчи нафақат ҳосилот, балки иқтисодчи, бухгалтер ҳам бўлиши керак. Эркинлик, мустақиллик шунинг талаб этади. Бизнинг хўжалигимизда шундай пудратчилар шаклланыпти. Улар кунда-кунаро молия-ҳисоб марказига келиб, экинлар парвариши давомидаги сарф-харажатларни, топширган маҳсулотларидан келадиган даромадларнинг ҳисоб-китобини олиб борадилар. Натижада биз, раҳбарларнинг ишимиз анча енгиллашди. Кўпроқ пудратчиларга қулай иш шароити яратиб бериш, сифатли уруғлик, ўғит, техника билан таъминлаш, энг муҳими ҳақларини тўлиқ олишлари учун ғамхўрлик қилиш, хўжаликнинг истиқболли, одамларнинг турмуш даражаси, ҳаёт тарзини яхшилаб бориш билан шуғулланамиз. «Меҳнат интизоми», «қать-

Dushanba

30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома»
8.40 ТВ маркет
8.45 «Заминдаги буюк томошалар»

14.10 «Янги йиллим - яхши йиллим!»
14.35 «Қорақалпоқнома»
14.55 «Хатолар ороли»
16.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди»

Телешоу. Янги йил олди учрашувлари.
22.25 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили»
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»

13.40 Болалар шеърляти.
13.50 2002 - спорт мавсуми яқунлари.
14.15 Жаҳон цирки. 1-қисм.
15.05 ТВ анонс.
15.10 «Кумуш тойчоқ» Бадий фильм.

салом, гам». Бадий фильм. 1-қисм.
00.35-00.40 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Болажонлар экрани». «Қор ёқанда»
17.40, 18.05, 19.50 «Экспресс» телегазетаси.
17.50 «Навнихол».

«Халқаро» телеканал
7.30-9.00 «Хайрли тонг»
9.00 Кўрсатувлар тартиби.

9.05 «ТВ-4да мусиқа»
9.15 «Азизим, мен болаларни кичрайтирдим». Кинокомедия.
10.55 «Кайфият».

21.35 «Бизнес ревью»
21.40 «Сирасини айтганда». Ток-шоу.
22.10 «Тдан 70гача»
23.00 «Иллинг кувончли лаҳзалари»
23.30 «Юдузлар фабрикаси». Пост-скриптур.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 «Музикфейверк». 10.30 «Муслик дастур». 11.00 «Анастасия». Мультифильм.

Seshanba

31

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот»
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Байрамингиз кўнгилли ўтсин!»

13.00 «Кувноқ трамвай». Ҳажвий кўрсатув.
13.40 «Бугуннинг одамлари»
13.50 «Айёмингиз муборак!»

тилида)
20.15 ТВ клип.
20.25 Эълонлар
20.30 «Йилнома»
21.30 «Янги йил базми»
23.45 Янги йил табриги.

«Ёшлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.30 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»

арчажон.
13.30 Нокаут.
13.50 Маслаҳат.
15.00 Жаҳон цирки. 2-қисм.
15.50 Уйна, болажон, уйна.
16.10 «Ўқимтой шахзода».

«Тошкент» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Эртақларнинг сеҳрли олами»
18.45 «Шунчаки ҳазил».

«Халқаро» телеканал

7.30-9.00 «Хайрли тонг»
9.00 «Кўрсатувлар тартиби»
9.05 «ТВ-4да мусиқа»
9.15 «Азизим, мен болаларни катталаштирдим».

21.00 «Время»
21.50 М. Галкин билан Янги йил оқшоми.
23.45 Янги йил табриги»
00.05-5.00 Биринчи каналда 2003 йилнинг Янги йил кечаси.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «Мультифейверк». 10.00 «Каспер». Эртақ. 11.40 Муслик дастур. 12.00 «Ўзбекистон гўзали - 2002». Авраам Руссо».

Chorshanba

1

«Ўзбекистон» телеканал

янги йилнингиз МУБОРАК БЎЛСИН!
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-9.00 «Йилнома»
9.00 Газеталар шарҳи.

«Ён-ён арчажон»
14.15 Ш. Бошбеков. «Темир хотин». Спектакль. 1-қисм.
15.20 «Муслик учрашувлар».

«Ёшлар» телеканал

7.50 Янги йилнингиз кутлуг бўлсин!
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.30 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».

«Пахтакор» командаси.
15.55 «Гарри Поттер ва ҳикматлар тоши». Бадий фильм. 2-қисм.
17.10 «Қаҳқаҳа» театр-студияси намойиш этади: «Иккинчи хангома».

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Болажонлар экрани». «Сайраг чиққан кичкинтой».
19.00 «ОБСМТ». Янги йил ҳазили.

ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
10.40 «Диканка қишлоғи яқинидаги оқшомлар». Комедия.
12.20 М. Киселева «Ким миллионер бўлишни истайди?» кўрсатувида.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 16.30 «Мультифейверк». 9.30 «Маша ва Витянинг Янги йил саргузаштлари». Эртақ. 10.40, 13.40 «Муслик дастур».

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Тошкент таймс» хусусий фирмасига тегишли бурчак штамп йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Payshanba

2

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Алифбо сабоқлари»
10.25 Муслик танаффус.
10.40 «Шуке ва Бэйта».

12.10 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Уйда ёлғиз-3». Бадий фильм.
13.50, 16.25 ТВ клип.
14.10 «Портретга чизилар».

ука Гримм эртақлари». Мультисериял.
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

20.30 «Ахборот»
21.05 «Янги йилнингиз муборак бўлсин!» Муслик дастур.
22.35 «Тарих кўзгуси». 12-қисм.
22.55 «Бокиралик асри». Бадий фильм. 2-қисм.

9.00 Давр тонги.
10.30 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».

14.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.20 Қўна оҳанглар.
15.30 «Қорда адашганлар» Бадий фильм.

18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 Ракурс.
20.25, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.30 «Жек ва ловия пояси». Кўп қисмли бадий фильм. 1-қисм.
21.25 Жараён.

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Интерфутбол». Танаффус пайтида - 23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак осиди». 49-қисм.
17.45, 19.05, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 Болажонлар экранлари.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навниҳол».
19.15 Мусикий танаффус.
19.30 «Камолот фасли».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Ҳамшаҳарлар».
22.40 Кинонигоҳ.
«Фаройиб ферма».
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
15.55 «Кўрсатувлар тартиби».
16.00 «Аралаш». Ҳажвий кўрсатув.

16.25 «Салом Қорбобо». Комедия.
18.00 Янгилар.
18.15 «Йил кўшиқлари». 2-қисм.
21.00 «Время».
21.25 «Бизнес-ревью».
21.30 «Ишбилармон кишилар».
21.50 «Кун мавзуси».
22.15 «Аншлаш».
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Золушка».

Мюзикл.
1.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Ноябрда Янги йил». 1-серия. 13.30 «Яго, зулмат

эқтироси». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» киноқошми: «13-жанчи». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқошми: «Қочок келин». Комедия. 23.15 Спорт дастури.

JUMA

3

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Киши таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
9.00 «Мактублар - кабутарлар».
9.45 Симфоник мусиқа дунёси.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Шуке ва Бэйта». Мультсериал премьераси. 5-қисм.
10.25 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
10.45 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
11.35 «Оламини асранг!»
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Инсон ва кунун».
12.30 «Энг янги эртақ».
12.50 «Куйла, ёшлигим».

13.10 «Кувноқ трамвай». Ҳажвий кўрсатув.
13.50 ТВ клип.
14.10 Кундузги сеанс: «Олтин занжир». Бадий фильм.
15.35 «Янги йил саргузаштлари ёхуд истеъдоқлар, қаердасиз?»
«Болалар сайёраси»:
17.10 «Уйла, изла, топ!». Телемусобақа.
18.10 Улоқ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
18.30 Мумтоз наволар.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 ТВ клип.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

21.55 «Олтин бешик».
22.20 «Бир жуфт кўшиқ».
22.30 «Тарих кўзгуси». 13-қисм.
22.50 «Ахборот - дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Кулпнайнинг туғилган кун».
Мультифильм.
10.00 Болажон.
10.15 «Давр»-интервью.
10.30 Мусикий лаҳзалар.
10.40 ТВ-анонс.
10.45 Маърифат маскани.
11.00 «Жек ва ловия пояси». Кўп қисмли бадий фильм. 1-қисм.
11.50 Мезон.
12.10 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 «Уйна, болажон, уйна».
13.10 «Жюли Леско».

Сериал. 12-қисм.
14.00 Ракурс.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Алишер Навоий газалларига битилган кўшиқлар.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». «Шум болалар».
16.50 ТВ-анонс.
16.50 Олов билан юзма-юз.
17.10 Автосалтанат.
17.25 Ёшлар овози.
17.45 Аскар мактублари.
18.05 Самимият билан. «Азизим» ҳамда «Хуқуқ ва бурч» кўрсатувларининг байрам сони. 1-қисм.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ёшлиқ кўшиқлари.
19.45 «Давр» нигоҳи.
20.05 Самимият билан. «Азизим» ҳамда «Хуқуқ ва бурч» кўрсатувларининг байрам сони. 2-қисм.
20.45, 21.40, 22.35 Эълонлар
20.50 «Жек ва ловия

пояси». Кўп қисмли бадий фильм. 2-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.10 Давр.
00.25-00.30 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак осиди». 50-қисм.
17.45, 19.15, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 Болажонлар экранлари.
18.30, 20.00, 21.10, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ёшлар худуди».
19.25 «Галатепалик авлиё». Қисқа метражли бадий фильм.
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Эл хизматида».
22.30 Кинонигоҳ.

«Муҳаббат формуласи».
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 «Кўрсатувлар тартиби».
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.25 «Ўз-ўзига режиссёр».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Хамма уйдалигида».
11.05-11.55 «Мазахўрақлар».
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 Премьера «Христофор Колумб». Мультифильм.
15.35 «Ҳинд оҳанглари».
15.55 «Аралаш».
16.25 «Доктор Дулитл». Комедия.
18.00 Янгилар.
18.15 «Йил кўшиқлари». 3-қисм.
21.00 «Время».
21.25 «Бизнес-ревью».
21.30 Кинематограф. «Банзай». Бадий фильм.

23.00 Ахборот (рус тилида)
23.40 «Нима? Қаерда? Қачон?»
00.50 «Биз қирол бўлган пайтлар». Бокс қироли Муҳаммад Али иштирокидаги бадий фильм.
2.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 — «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Ноябрда Янги йил». 2-серия. 13.30 «Яго, зулмат эқтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «30»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона», мусикий дастур. 19.45 «Қора қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқошми: «Уйин». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

4

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 «Уйла, изла, топ!» Телемусобақа.
9.50 «Хидоят сари».
10.10 «Шуке ва Бэйта». Мультсериал премьераси. 6-қисм.
10.30, 15.00 ТВ анонс.
10.35 «Мусиқа бўстони».
10.55 «Олтин бешик».
11.20 ТВ-1 кинотеатри: «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади». Бадий фильм. 1-қисм.
12.45 «Санъатга бахшида умр».
13.05 «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади». Бадий фильм. 2-қисм.
14.40 «Адабий жараён».
15.05 «Янги йилнинг муборак бўлсин!» Мусикий дастур.
16.35 «Ягона оилада».

17.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.25 «Озод юрт одамлари».
17.45 «Оби ҳаёт». Ҳужжатли фильм.
«Болалар сайёраси»:
17.55 «Мўъжизалар майдончаси».
19.05 «Кўшигимиз сизга армуғон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
21.25 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 «Балли, раислар». Телемусобақа.
22.55 «Ахборот - дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.15 «Замонлар ошамурақ бўлсин!» Бадий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». «Шум болалар».
9.30 «Мультимоша».
10.00 Табобат оламида.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 Мусикий лаҳзалар.
10.40 «Давр» нигоҳи.
11.00 «Жек ва ловия пояси». Кўп қисмли бадий фильм. 2-қисм.
11.50 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
12.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».
13.15 Кутилмаган меҳмон.
13.40 Кўхна оҳанглар.
13.55 Ёшлар овози.
14.15 «Самимият билан».
15.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Теннис».
16.15 Янги йил дастурхони.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.45 ТВ-анонс.

17.50 Футбол-плюс.
18.10 Мозийдан келажакка.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлиқ наволари.
20.00 «Давр»-репортаж.
20.10 Оҳанрабо.
20.45, 21.40, 22.35 Эълонлар
20.50 «Жек ва ловия пояси». Кўп қисмли бадий фильм. 3-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 «Олтин» Бадий фильм.
00.25-00.30 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультичархалак».
17.40 «Ҳажон географияси».
18.10, 19.40, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.20 «Афиша».
18.40 «Мусикий лаҳзалар».
19.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача (рус).

19.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
19.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.45 «Мисли гавҳар».
21.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача.
21.30 Кинонигоҳ. «Мен ва менинг соям».
23.10-23.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 «Кўрсатувлар тартиби».
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.15 «Ҳажон буйлаб».
10.00 «Мультсеанс».
10.20 Болалар соати: «Санта Клаунинг таътиллари». Бадий фильм.
11.50 «Сирасини айтганда». Ток-шоу.
12.20 «Интер клуб». Ток-шоу.
13.10-14.10 «Дўстлик» видеоканали: «Бизнен мирас», «Ўзбекистон - умумий уйимиз», «Умид».
18.00 «Кўрсатувлар тартиби».
18.05 «Мюзик-холл».
18.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.05 «Мени куттил».
20.00 «Ким миллионер

бўлишни истайди?» Телеуйин.
21.00 «Время».
Тунги канал: «Хали кеч эмас...»
21.40 «Шлягер».
21.55 «Моданинг гузал дунёси».
22.10 «Хит-парад».
22.30 «Яшаш воситаси».
22.45 «Юлдуз билан учрашув».
23.00 «Тунги навбатчилик».
23.15 «Муз zone».
23.30 «Автострада».
23.45 «Спорт олами».
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 Киносеанс: А. Челентано «Кайсарнинг қуйилиши» фильмида.
2.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 Юмор дастури. 12.00 Оилавий кино. «Ноттинг Хилл». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Хинд киноси: «Омадасиз хотинбоз». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноқошми: «Қора қулпак». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.05 «Нина. Сеғви учун ҳақ тўлаш». Сериал. 22.00 «30-канал» киноқошми: «Гувоҳ мафияга қарши».

Yakshanba

5

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».
8.40 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.20 «Фаройибот».
9.40 «Кўхна замин оҳанглари».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Шуке ва Бэйта». Мультсериал премьераси. 7-қисм.
11.20 «Она меҳри».
11.40 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.10 Телевизион миниатюралар театри.
12.40 ТВ-1 кинотеатри: «Эйс-Вентура». Бадий фильм.
13.55 «Янги йил кувончлари».
14.50 «Қалб гавҳари».
15.10 «Янги йил кинотеатри».
16.05 ТВ клип.
16.15 «Оливер ва унинг дўстлари».

Мультфильм премьераси.
«Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Сехрли тилак». Теленовелла. 2. «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.
18.25 «Портретга чизгилар».
18.45 «Оқ олтин». Телелогаря.
19.15 «Бир жуфт кўшиқ».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Оталар сўзи - аклинг кўзи».
22.15 «Спорт олами»
Якшанба кинозал:
22.45 «Замонлар ошамурақ бўлсин!» Бадий фильм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканали
7.55 Кўрсатувлар дастури.

8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.25 Футбол-плюс.
9.45 «Давр»-репортаж.
9.55 Оҳанрабо.
10.30 «Жек ва ловия пояси». Кўп қисмли бадий фильм. 3-қисм.
11.20 Очил дастурхон.
11.50 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марди майдон», 2. «Аскар мактублари», 3. «Кутқарув «050»».
12.45 Чемпион сирлари.
13.10 Болалар экранлари: «Сехрли тун».
14.15 Умид юлдузлари. 1-қисм.
15.15 «Қаҳқаҳа» театр студияси намойиш этади: «Биринчи хангома».
15.40 Умид юлдузлари. 2-қисм.
16.25 «Қаҳқаҳа» театр студияси намойиш этади: «Иккинчи хангома».
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
17.20 «Булутли йўлқалар буйлаб сайр». Мульт-

фильм.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 Спорт ҳафтанома-си.
17.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Жараён.
19.55 «Хўжа» гуруҳи куйлайди.
20.25, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жек ва ловия пояси». Кўп қисмли бадий фильм. 4-қисм.
21.25 Лабиринт.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Бир бола тарихи». Бадий фильм.
00.20-00.25 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканали
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сехрли олами».
19.00, 20.50, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

19.10 «Ҳажон географияси».
19.40 «Ҳозиба».
19.50 «Телефакт».
20.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 «ТВ плюс»
22.00 Кинонигоҳ.
«Етимча».
23.25-23.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 «Кўрсатувлар тартиби».
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.15 «Ҳажон батареяси йўқ». Комедия.
11.05 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури.
12.35 «Парле ву франсе?»
13.00 «FCN». Ўзбекистон янгиларлари (инглиз тилида)
13.10 «Фан тайм».
13.20 «Инглиз тили Сиз учун».
13.45 «Хусусийлаштириш кадам-бакадам».
14.05 «Экран зийнати ва киймати».
14.30-15.50 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Сарҳад билмас

дўстлик», «Корейс тилини ўрганамиз», «Маврид».
18.00 «Кўрсатувлар тартиби».
18.05 «Топ мюзик». Информацион-дам олиш дастури.
18.20 «Биз анойи эмасми?». Ҳажвий кўрсатув.
18.45 «Машурлар». Анна Шатилова.
19.15 «Сичқон ови». Кинокомедия.
21.00 «Время».
21.40 «Тендошлар».
22.10 «Кинопрофи».
22.30 Кинематограф. «Икки соҳил икки тақдир» бадий фильм.
00.30 «Тахлилнома».
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Яна 48 соати». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Самоларга етиб бориш». 16.10 Дам олиш дастури. 16.40 «Яширин камера билан». 17.00 Телеуйин. 18.10 «30-канал» киноқошми: «Мумий: Миср шаҳзадаси». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Бизда ҳамма уйда». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совага». Телетабрикнома. 21.05 «Нина. Сеғви учун ҳақ тўлаш». Сериал. 22.00 «30-канал»да яқинда киноқошми: «Матрица». 23.40 Спорт шарҳи.

Ангрен шаҳридаги «Sanoatqalinog'ozsavdo»
очиқ акциядорлик жамиятига олиш маълумоти, саноат корхоналарида иш стажига эга бўлган қуйидаги мутахассислар керак:
- Бош ҳисобчи;
- Ҳисобчилар;
- Иқтисодчилар, режалаштирувчилар;
- Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи;
- Мухандис-дастурчи;
- Мухандис-механик.
Иш ҳақи — шартнома бўйича. Чет элликларга уй-жой берилади.
Ишга жойлашиш масаласи юзасидан «Sanoatqalinog'ozsavdo» очиқ акциядорлик жамиятининг кадрлар бўлимига Ангрен шаҳридаги қуйидаги телефон рақами орқали мурожаат қилинсин: 8-266-3-78-00.

Йилни қандай яқунламоқдасиз?

Жамият ривожда жамоат ташкилотларининг ўрни алоҳида. Уларнинг ташаббуси, амалга оширадиган ишлари ҳамisha кишилар манфаатини кўзлайди.

Вилоятимизда бугун йигирмага яқин ана шундай жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатаётир. Табиийки, уларнинг мақсад-вазифалари ўз йўналишларидан келиб чиқиб турлича.

ХАЙРЛИ ИШ — ҲАР КУНИ

Гулсанам ВАҲОБОВА,
«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари.

— Мақсадимиз ягона — ёш авлодни етти мучаси соғ холда вояга етказишга кўмаклашиш. Шу боис ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар, дастурларни амалда бажариб боришга ўз хиссамизни қўшяпмиз. Хусусан, бу йил Бўстонлик, Паркент, Зангиота, Оққўрғон, Бўка, Покент, Чиноз, Бекобод туманлари ва Ангрен, Бекобод шаҳарларига автопоезд ташкил этилди. Унинг шифокорлари болалар қатори минг нафар кексаларни ҳам тиббий кўриқдан ўтказиб, доридармонлар билан бепул таъминлашди. Шунингдек, Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» уйига 1 миллион 566 минг 730 сўмлик мурувват ёрдами ажратилди. Тумандаги бемор қариялар учун патронаж ҳамширалари хизматини кенгайтириш мақсадида 500га яқин кексага имтиёз яратдик. Шунингдек, шаҳар ва туманлардаги нурунийлар ўртасида кексалар касалликларининг олдини олиш мақсадида «Фаол турмуш тарзи — узоқ умр ва бахтли қариллик гарови», «Тўғри овқатланиш — мустаҳкам саломатлик» мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилди. Уларда 6 мингга яқин киши иштирок этди.

Ёшларни қарилликнинг физиологик ва гигиеник муаммоларини тўғри тушуниш руҳида тарбиялаш, геронтологик касалликларнинг олдини олиш мақсадида жойларда шифокорлар билан бирга «Қариллик даври» мавзусида ёшлар учун учрашувлар ўтказдик. Дастур бўйича амалга оширилган ушбу тадбирларга 379 минг 589 сўм маблағ сарфланди.

Бу ишлар биргина қарияларни кадрлаш дастури бўйича қилинган бўлса, асосий мақсадимиз «Соғлом авлод» давлат дастури ҳамда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари доимо диққат марказида. Келаси йили бу борадаги ишларимизни янада ривожлантириб, саъй-ҳаракатларимизга янги-янги йўналишлар қўшиб бораверамиз.

Кейинги йилларда уларнинг фаолиятида самарали силжишлар кузатилмоқда. Айниқса, ўтиб бораётган йилимиз бу жиҳатдан алоҳида босқич бўлди.

Ўз яқунига етаётган 2002 йил — Қарияларни кадрлаш йилида жамоат ташкилотлари ўзларининг хайрли ишлари билан халқ фаровонлиги, юрт ободлигига салмоқли ҳисса қўшдилар.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР — ҲАМКОРИМИЗ

Муҳайё ШОЮСУПОВА,

«Наврўз» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси

— Жамғармамиз ўз номига муносиб — етим-есирлар, ночор оилаларга, ногиронларга ёрдам қўлини чўзади. 2002 йили режага биноан бир қатор катта-катта ишлар амалга оширилди. Даставвал меҳр-саховат ўн кунлигини ўтказдик. Унда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоятдаги 5 мингдан зиёд кам таъминланган оилалар, етимлар, ногиронларга ҳамда ёрдамга муҳтож кексаларга озиқ-овқат, кийим-кечаклар етказиб берилди. Бунда бизга Американинг Каунтерпарт интернэшнл ташкилоти яқиндан ёрдам кўрсатди. Камхарж хонадонларга 40 минг долларлик ун ҳам тарқатилди. Чунончи, Чиноз туманидаги Эшонобод қишлоғида яшовчи 18 нафар кам таъминланган оила фарзандларига оёқ кийимлари, Қуйичирчиқ туманидаги Файзулла Ҳўжаев номли маҳалладаги муҳтож кишиларга эса, 56 минг 864 сўмлик озиқ-овқат, 12 турдаги кийим-кечаклар берилди. Шундай хайрия тадбирлар йил давомида Бекобод, Уртачирчиқ, Оққўрғон, Тошкент, Паркент туманлари ва Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида ҳам амалга оширилди. Бундан ташқари, Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида хайрия концерти ўтказилди. Ундан тушган 1 миллион 200 минг сўм маблағ эса, туман кексаларининг моддий таъминотини яхшилашга йўналтирилди. Чирчиқ шаҳридаги болалар боғчаларида бўлиб ўтган тадбирларни ҳам айтиб ўтишни истардим. Болажонларга 1 миллион сўмликдан зиёд ўйинчоқлар туҳфа этилди. Бу борадаги ишларда бизга вилоят хотин-қизлар кўмитаси бошқош бўлмоқда. Келгуси 2003 йилда ҳам маҳаллаларнинг ободлиги, кишиларнинг ижтимоий ҳимояси асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади.

ОИЛА СОҒЛОМ — ЮРТ ОБОД

Зухра КАМОЛОВА,

Тошкент вилоят «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари.


— Марказ жамиятдаги ижтимоий муаммолар, оилалардаги турли қўйди-чиқдиларнинг сабабларини ўрганиш, унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш мақсадида ташкил этилган. Шу боис биз доимий равишда вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда фаолият олиб бориб, аҳоли ўртасида турли мавзуларда сўровномалар ўтказаяпмиз. Семинар-кенгашлар, халқ билан учрашув ташкил этмоқдамиз. Бу йил ана шундай тадбирлар Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари, Паркент, Оққўрғон, Янгийўл, Қибрай туманларида ўтди. Уларда асосан хотин-қизлар иштирок этишди. Оилалардаги носоғлом муҳит, унинг оқибатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашинди. Кўплаб кўргазмали чиқишлар уюштирилди. «Ирсият ва соғлом авлод», «Бепуштлиқ ва эндокринологик безлар», «Қариндошга қиз берманг», «Келинларга маслаҳат» мавзуларида чиқишлар қилиниб, буклетлар тайёрланди. Чирчиқда ўтказган тадбиримизда 500га яқин хотин-қиз иштирок этди. Улар оила мустаҳкамлигининг муҳим омиллари ҳақида баҳс юритиб, ўз тақлиф, мулоҳазаларини баён этишди. Йил давомида ўтказилган ана шундай тадбирлар, сўровномалардан шу нарса аён бўлмоқдаки, оилаларда, айниқса, ўзбек хонадонларида ҳали ўз ечимини қутаётган, аҳоли ўртасида тушунтирилиши шарт бўлган масалалар талайгина. Чунончи, ота ва ўғил, она билан қиз ўртасидаги шарм-ҳаё, орият қаби тушунчаларнинг ўта даражада мустаҳкамлиги натижасида ўсиб келаётган авлоддаги жинсий нуқсонлар, турли касалликлар маълум бўлмоқда. Ана шундай муаммоларни ҳал этишда «Оила» маркази баҳоли-қудрат билим ва кучини сарф этаверади.

ПОЛИКЛИНИКА ҚАЙТА ҚУРИЛДИ

Янгийўл туманидаги Ниезбош ширкат хўжалигининг маркази ва қишлоқлари йил сайин ободонлашиб бормоқда. Бу ерда, айниқса, мустақиллик йилларида ўнлаб маданий-маиший, савдо шахобчалари, тиббий ва таълим муассасалари бунёд этилмоқда.

Янги йил арафасида хўжалик деҳқонлари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофаза қилувчи яна бир маскан ишга туширилди. Ночор аҳволга тушиб қолган поликлиника биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. У сақам 30 минг нафар фуқарога хизмат кўрсатади. Энг муҳими муассаса замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва ноёб аппаратлар билан жиҳозланди. Бунинг учун хўжалик етарли маблағ ажратди.

Ақбар АЛЛАМУРОВОВ.



Йилнинг сўнги кунлари янгиликлар, хушxabарларга бой бўлапти. Жумладан, Келес шаҳрида «Алоқа» банкнинг янги бўлими очилди. У дастлабки кунлардан мижозларга малакали хизмат кўрсата бошлади. Бунда операторларнинг ишчанлик малакаси, савияси муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, Маърифат Исмоилова билан Мукамбар Медаминовалар (юқоридаги суратда)нинг хизмати мижозларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Янгийўл шаҳрида эса пойабзал таъмирлаш устахонаси ходимлари ака-ука Абдусаттор ва Абдуқаҳор Муллажоновларнинг хизматларидан (пастдаги сурат) аҳоли ниҳоятда мамнун бўлмоқда. Улар ҳар қандай буюртмаларни вақтида бажариб, мижозларни хурсанд қилишяпти.

● Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АХМАД олган суратлар.



Кун тартибиде РЕКЛАМА

лади. Афсуски, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рекламани ўзларига ёрдамчи, деб ҳисобламайдилар. Уни ўзлари учун фойдасиз, ортиқча дабдаба деб биладилар. Энди бу қарашларни ўзгартириш вақти келди.

Шундан сўнг сўзга чиққанлар «Кичик ва ўрта бизнес ривожланишида рекламанинг роли», «Ташқи рекламанинг турлари ва унга хос хусусиятлар», «Медиа реклама» қаби бир қатор мавзуларда фикр алмашдилар.

— Банкротга учраган, тугатилаётган корхоналар, йўқолган хўжатлар, ходимларни ишга жалб этиш ҳақидаги эълонлар, тижорий мақсадни кўзда тутмаган ҳолатлар реклама ҳисобланмайди. Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга киритилган қўшимчада телекўрсатувларда реклама давомида товушни баландлитиш тақиқланади. Бу кўпчилик ҳолатларда эътиборни ўзига қаратади, асосий маълумот олишдан чалғитади, реклама трансляцияси пайтида автоматик равишда товуш кўтарилиши тингловчи кайфиятига ёмон таъсир кўрсатади. Рекламанинг кўрсатув пайтида экранда тез пайдо бўлувчи ёзувлар шаклида берилиши, у жуда тез айлана бошлаши ҳам кўпчиликнинг гашига тегади, — дейди вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Санобор Очилова.

Шуни таъкидлаш кераки, истеъмолчиларнинг уч фоизи маҳсулотнинг қадоқланишига эътибор бермайди. Француз тадқиқотчиларининг кузатишича, 35 фоиз истеъмолчилар маҳсулотни савдо дўконларидан харид қилишда ёзувларни ўқиб кўришади, 87 фоизи эса, маълум савдо белгилари ёки машҳур савдо компаниялари маҳсулотларини харид қилар экан. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 30-35 фоиз истеъмолчилар маҳсулотни маълумотни кўриб, 10-15 фоизи эштиб, 7-20 фоизи ушлаб кўриб, 5-6 фоизи татиб кўриб, 2-4 фоизи худлаб кўриб сотиб олади. Реклама қилишда шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиш керак. Маълумот учун: осма рекламанинг нархи 125-150 минг сўм, шчитнинг бир томони учун 220-290 минг сўм тўланади. Кичик шаҳарларда эса, бу кўрсаткичлар анча арзонроқ.

Семинар-кенгаш сўнгида маҳаллий корхона ва тадбиркорлар вакилларининг фикрлари тингланиб, уларнинг саволларига жавоблар берилди. Шундан кейин йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни инобатга олиб, қарор қабул қилинди. Унда вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва корхоналар таркибида Тошкент вилоятининг реклама берувчилар гильдиясини ташкил этиш хусусида гап бор.

Семинар-кенгашдан чиққан Ражаббой дўстига айтган гаплари нечоғлик нотўғри эканлигини тушуниб этди.

Хуршида НАЗАРОВА,
ЎЗМУ талабаси.

(Давоми. Боши 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН: СИЁСАТ, ЖАМИЯТ, МАДАНИЯТ»

Шундай сарлавҳа остида Германия Федератив Республикасида мамлакатимизга бағишланган журнал чоп этилди.

«Восток Ферлаг» матбаа компанияси томонидан кўп минг тиражда нашр қилинган бу журналнинг олтинчи тўрт саноқсидида республикамиз ҳаётига оид энг ёрқин жиҳатлар акс эттирилган.

Ушбу нашрнинг ўзига хос томони шундаки, Германия жамоатчилиги ва бошқа немисзабон ўқувчиларга ўзбекистон-

лик муаллифлар ижоди орқали мамлакатимиз билан танишиш имконияти берилди.

Фотосуратларга бой бу журналнинг биринчи саҳифасиданоқ юртимиз тарихи, ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари, ҳозирги кунда республика раҳбарияти бoshчилигида демократик жамият қуриш ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мумкин.

«Жаҳон» АА.

МАКТУБЛАРНИНГ ИНГЛИЗЧА НАШРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида машҳур шарқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Асомиддин Уринбоевнинг АҚШ олимлари билан ҳамкорликда чоп этилган «Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг муридлари томонидан ёзилган мактублар» номли китобининг тақдироти ўтказилди.

Таниқли шарқшунос, профессор Асомиддин Уринбоев америкалик

олима Жо Энн Гросс билан илмий ҳамкорлик қилиб, Ҳожа Аҳрорнинг мактубларини инглиз тилига ўғирди.

Тақдирот маросимида сўзга чиққан олимлар китобнинг катта илмий аҳамиятга эгалигини таъкидлашди. Ушбу китоб 2004 йилда нишонланадиган Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг 600 йиллик тўйига муносиб тўхфа бўлди.

«Туркистон-пресс».

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ НЕМИС ТИЛИДА

Бонн университетида ўзбек фольклори тадқиқотчиси, тилшунос олим Карл Райхел томонидан немис тилига таржима қилинган «Алпомиш» достонининг тақдироти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган бу тадбирда Германиянинг сийёсий жамоа ва илмий доиралари ҳамда дипломатик корпус ва-

киллари, Бонн университети талабалари, журналистлар, шунингдек, мамлакатимизнинг фан арбобларидан иборат делегацияси иштирок этди.

Немис олимнинг китобида «Алпомиш» достонининг таржимаси ва изоҳлари билан бир қаторда асарнинг ўзбекча матни ҳамда профессор Т. Мирзаевнинг шу мавзуга бағишланган мақоласи ҳам ўрин олди.

«Жаҳон» АА.

Янги йил яқинлашди дегунча хомуш тортаман. Неча йилдирки, аҳвол — шу! Айтишга осон. Тубиз жердек охири кўринмаётган «кандидатлик» эса, шунча вақтдан буён ачиқ чакдек чўзилади: ё мен мардларча кўл сийтаб ундан воз кечаман, ё у номард мени кўйиб юборади. Шундай бўлгач, мени ҳам босмай, сизни ҳам босинми? Чўзилишга сабаб эса... Э, ўша куннинг падарига лаънат!

...Дипломни кўтиқлаб илмий-текти-

Ахир шу қаҳратонда ким бетелпак юрди! Ана илгакда уч-тўрттаси турибдику. Кўпи меникидақа: кўёнжуи. Таваккал... Шартта бирига кўл чўзим. Кийсам, сал каттароқ, алмаштирай десам, шубҳа тугилади.

Хуллас, ўша кунги совуқ зўриданми ёки бегона телпак ётсираб бизнинг бошни ҳимоялагиси келмадим, шамоллаб қолдим. Ҳафта ўтиб, ишга бордим. Хонага киришим билан, Обид соғинимни сўраш ўрни-

— Ўзингизни қани?
— Ўша кун алмашибди...
— Кўзингиз қаёқда эди? Кўз бўлмаса, пешона, каллани чиқатиш керак!

Шеф телпакни олиб чиқиб кетди.
— Тамом бўдингиз, — бидирлади Тансиқ менга қараб. — Моҳир акам гиначи, кечирмайди, энди. Агар шу ерда ёқлайман десангиз, уэр сўранг. Лекин, биласиз, қуруқ гап қулоққа ёқмас...

— Мен атай қийманми?
— Барибир, — Обид гапга кўшилди. — Тансиқ тўғри айтган. Шу ерда ёқлайман десангиз, кириб кўнглини олинг.

Эрталабдан юракка чигил тушди. Тушликка бирга борган бўлсак-да, домлам менга бир оғиз гапирмади. Бу кетишда ростдан ҳам ишлар чатоқ бўлади, шекилли... Тушдан кейин секин Тансиққа ёридим.

— Олдига кириш! Телпак ваёда қилинг, яхшироғидан, масалан, «ондатра»сидан. — Унинг маслаҳати шу бўлди.

Юрагим дук-дук урганича, «шеф»нинг хонасига кириб бордим.

— Кечиринг, домла, — дедим у ўтирган столга яқин келиб, — сизникини билмабман, ўлай агар.

— Кўз нимага берилган?

— Кечиринг...

«Шеф» индамоди. Борлигим музлаб кетди. Тансиқнинг гапини эсладим.

— Сизга, худо хоҳласа: битта қулинг ўргилсин «ондатра» телпак совға қиламан. Қишлоқда, РайПОда акам ишлайди, — дедим ўз ёлгонимдан ўзим ўнғайсизланиб.

— Совға эмаш... — «шеф» қошини чимирди. — Бошимдагини қайта олиб кўймасангиз ҳам, катта гап. Кўрамиз ҳали.

Ўз хонамга қайтдим. Тансиқ билан Обид ширага ёпишган пашшадек ўраб олишди.

«Нима бўлди?» «Кечирдими?» Бор гапни айтдим.

— Кечиради. Энди бу ёғига астойдил «ондатра»ни қидираверинг, — деди Тансиқ тарс-турс.

— Иш ҳам тезлашади, — деди Обид. Лекин, шу-шу «шеф» билан орамиз илмади. Бирор илмий мақола ёса, Обидни кўшади, Тансиқни кўшади, бироқ, менга чурқ этмайди. Мен ёсам, уч-тўрт ойсиз кўриб бермайди. Кўрса ҳам, у ерини ўпоқ, бу ерини сўпоқ дейди. Ўша қаҳратон қишини бошланг ўтказиб, таъзимини еганим етмагандек, шундай балаларга ҳам гирифтор бўлиб ўтирибман.

Хуллас, орадан ўн йил ўтди. Обид ёқлади, Тансиқнинг иши тайёр, яқинда таърибхонада муҳкамлаб ўтди. Меники эса, ҳамон резинкадай чўзилади, охири кўринмайди. Эсласам, юрагим сизилади. Ҳаммасига ўша телпак сабаби... Шўрча йил ўтибди-я! Ҳар қиш яқинлашса, «ондатра» ҳақида ўйлайман. Аммо, у Эухро юлдузидек олисда, сира етишиб бўлмади. Ахир, кичик илмий ходимнинг илмиги ўзингизга маълум. Бу пул деганининг ҳам вафоси йўқ экан, ваёдани пуч қилади. Сира ортмайди-я.

Мана, яна Янги йил яқинлашган. Қани энди ҳеч бўлмаса, шу ишга ўтиришда «шеф»нинг ранги ўчиб кетган «кўёнжуи» телпагини билмасдан «ондатра»га алмаштириб қўйсам, дейман. Шунда «шеф» кечиради-ю олам гулистон бўларди. Бу олам эса, яна битта олим билан бойиған бўларди.

Адҳам ДАМИН.

Халқаро ҳаёт

АҚШ:

БОЛАЛАР УЙДА ЎҚИШМОҚЧИ

АҚШда уйда таълим олувчилар сони йилига 15 фоизга кўпаймоқда. Бу ўзгаришларга ҳукумат ҳам ижобий қараётир. Чунки, уйдаги таълим мактабга қатнашдан кўра қулайроқ. Шунингдек, бола ўз уйда бежавотир ўқийди, ота-онаси ҳам нисбатан кўп эътибор қаратади.

Мутахассисларнинг фикрича, уйда билим оладиган бола телевизор олдида бошқа тенгдошларига нисбатан уч соат кам вақт ўтказар экан. Демак, у ўз диққатини кўпроқ таълимга қаратади. Бундан ташқари, уй шароитида билим олган боладан келажакда яхши мутахассис чиқади, деган фикр ҳам йўқ эмас.

ЭРОН:

ИСФАХОН ОСМОНИДАГИ АВИАҲАЛОКАТ

Эроннинг Исфажон вилоятида Украинанинг «Аэромост-Харьков» авиакомпаниясига тегишли «Ан-140» русумли самолёт ҳалокатга учради. У «Харьков-Исфажон» йўналиши бўйлаб учётган эди. ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга кўра, Техрондан 560 чақирим жанубда юз берган ҳоҳуш-воқоа натижасида самолёт бортидаги 42 йўловчи ва олти нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлган. Улар асосан, Украина ва Россия фуқаролари экан. Эрон ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Ҳамид Ризо Асифий Эрон халқи ва ҳукумати номидан ҳалок бўлганларнинг яқинларига таъзия билдирди.

ҲИНДИСТОН:

ДЕХЛИДА МЕТРО ИШГА ТУШДИ

Ҳиндистон пойтахти Деҳли аҳолиси янги йилга ажойиб совға олди. Шаҳар метрополитенининг илк йўналиши ишга туширилди. Қуни кеча мамлакат бош вазири Атал Бихари Важапай «Кашмир дарвозаси» станциясини тантанали равишда очди. Бош вазирининг шаҳсан ўзи ер ости транспортнинг ҳаракатини мувофиқлаштириб турувчи светофорнинг яшил чирогини ёқиб берди. Шунингдек, ҳукумат раҳбари 8,3 километрлик метро йўналишининг илк йўловчиси ҳам бўлди.

(ЖАҲОН ОММАСИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

ОЛИМ БУЛСАНГ

Янги йил ҳангомаси

риш институтига келган жўжаҳўрозман: юриш — ғоз, турши — ғоз, салда «кандидат наука» бўлиб қолсак, ана унда кўрасиз, биздан зўри бўлмайди бу дунёда!.. Лекин, Янги йил зиёфати ширин орзуларнинг белига тепди. Йўқса, юрардик дўттини чаккага кўндириб, давраларда бировга гап бермай. Ойлик бут, кўнгул тўқ, олимлик гаптини суриб... Бироқ... насиб қилмади у кунлар...

Ўша кун ишдан чиқиб ҳамкасбларим Обид ва Тансиқ тарс-турс билан айтилган ресторонга узун-қисқа бўлиб, чўзилишиб кириб бордик. Гардеробда битта ҳам буш илгак қолмабди. Амаллаб пальтомни бир илгакка, телпакни бошқасига кўндирдим. Утиришимиз билан «косагул» кечиканларга «штраф» дея бизни «сийлай» кетди. Бир вақт кайфи ошган Обид беш йилда, Тансиқ тарс-турс кўзларини сузиб, уч йилда ёқлаб ташлайман, деб гупира бошлади. Бу гаплардан менинг ҳам ҳаёлим қочиб ўтиргандим, «тарс-турс» секин биқинимга туртди. «Кетдикми? Залда бизу Моҳир акамлар тўпи қопти холос».

Моҳир ака — домламиз, ундан кейин қолсак, уят! Турдик. Илгакдан амаллаб пальтомни топиб кийдим, лекин, телпак қурмағур йўқ: шу илгакдан, на илгакдан кўринади, на еру кўкда... Яхши танирдим — талабаликдан ёдгор арзон-гаров, кўёнжуи, асли қорамтир бўлса-да, саргайиб, четлари ялтираб қолган бечора-ҳол бир телпак эди. Келиб-келиб, «камбағални туянинг устида ит қолиб» шу «камтарин» телпакка «харидор» чиққанини! Болаларга айтай десам қулишади, шундай кетаверай десам, ташқари совуқ — чақади, олим бўладиган бошни асраш керак. Бир томони шаҳарда мусофиримиз, ойлик ҳам ҳаминқадар... Лекин, меникини кийган одам ўзиникини қолдиргандир.

га, пишиллаб олимга келиб:

— Иш чатоқ! — деди.

— Нега?

— Бир ҳафтаки, «шеф»нинг кайфияти йўқ. Телпакни қашийвериб бор сочини ҳам тўқворди.

— Тинчликми?

— Утиришда телпаги йўқолибди. Борганларнинг барчасиникини кўриб чиқди. Фақат сизники қолди.

— Қанақайди телпаги? — дедим бўшашиб.

— Э, қизиқмисиз, шуниям сўрайсиз-а. Илмий ходимники қанақа бўларди, сизникидақа оддий, кўёнжуи. Кўргансиз-ку!

— Хайрият-э, оддий экан, мен «ондатра»ми дебман.

— «Ондатра» бўлганда, меласага хабар қиларди. Бироқ, оддийси ҳам қишда топишмайди. Кейин «шеф»ни биласиз-ку, пишиқ: бир тийинни қирқ жойидан тугади. Бошига ортиқча сарфлармиди? Шу совуқда шляпада юрибди.

Ечилиб пальтони ва телпакни бурчакдаги илгакка илдим. Шу пайт хонага Тансиқ тарс-турс кириб келди. Сўрашди-ю, тўғри мен ечган телпакка кўл чўзди. Узоқ айлантириб кўрган:

— Худди ўзи, — деди.

— Валдирама, — дедим асабий. — Одам одамга ўхшайди-ю, бу телпак-а...

— Мана бир қулоғининг тангадек жойидан жунни кўчган, киккинчисининг ипида тугуни бор, аниқ «шеф»ники, ўласиз энди!

— Алмашгандир-да, — дедим ҳамон сир бой бермай.

Шу вақт остонада «шеф»нинг ўзи кўринди: яланбош, телпакли ёмғирда қолган, чимсиз стадиондек ялтирайди.

— Суюнчи беринг, Моҳир ака! — деди Тансиқ тарс-турс қўлидаги телпакни унга узатиб. «Шеф» олдин телпакка, кейин менга совуқ тикилди.

Тадбир

КУТУБХОНА
ХОДИМЛАРИ
АНЖУМАНИ

«Турон» кутубхона-сида вилоят кутубхоналари уюшмаси ва Ўзбекистон очик жамият институтининг ҳамкорлигида уюштирилган «Кутубхоналар уюшмалари фаолиятини бошқариш» мавзудаги икки кунлик семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда республикамиздаги барча вилоят кутубхоналарининг раҳбар ходимлари иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз кутубхоналари томонидан нодавлат ташкилотларининг ташкил этилиши муносабати билан кутубхоначилик фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Ҳозирги кунда кутубхоналар нодавлат ташкилотлари тизимида 13 та ҳудудий ахборот маркази, 6 та фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази, иккита Интернет маркази ҳамда электрон синфларга эга бўлган бешта ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси кутубхоначилар уюшмаси раиси А. Умаров, Тошкент вилояти кутубхоначилар уюшмаси раиси Н. Каримов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Шунингдек, семинар-кенгаш иштирокчилари «Шарқ дурдоналари» веб-сайтнинг тақдиротида ҳам иштирок этдилар. Унга мамлакатимиз кутубхоналаридаги ноёб китоблар ва шарқ қўлёзмалари киритилган.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ЯХШИ КУНДА ЙЎҚЛАШГА НЕ ЕТСИН

Бутун республикада бўлганидек, вилоятимиз шаҳар ва туманларида Янги йил байрами тантаналари билан боғлиқ турли кўнгличар ва саҳоват тадбирлари давом этмоқда.

Куйичирчиқ тумани маркази ва қишлоқ гузарларида ҳам бир ҳафтадан буён байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими 26 декабрь куни Янги йилга бағишлаб катта байрам дастурини ўтказди.

Байрам концерт дастурида турли спорт ўйинлари, учрашув ва савол-жавоб кечаларига ҳам ўрин берилганди. Унда туман ҳокимлиги, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари, ҳомийлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари иштирок этдилар.

Тантаналар давомида тумандаги 54 та мактабдан кам таъминланган оилаларга тегишли ўқувчиларга Янги йил совғалари топширилди. 27 декабрь куни «Кўргонча» қишлоқ касб-хунар коллежи ва 16-касб-хунар мактабида ҳам ана шундай байрам тадбирлари ўтказилди.

Бугун эса, 11-умумтаълим мактабининг муҳташам залида «Президентнинг Янги йил арчаси» махсус байрам томошалари бўлиб ўтади. Тантаналар

эрталаб соат 10да ёзиладиган нонушта дастурхонидан бошланади. Шундан сўнг арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги театрлаштирилган томошаларга навбат берилади. Туман маданият бўлимига қарашли бадий ҳаваскорлик гуруҳлари ўзларининг махсус байрам концерт дастурларини намойиш этадилар. Туман ҳокими 100 нафар ногирон ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига махсус байрам совғаларини топширади.

Ўз мухбиримиз.



Янги йил кириб келишига икки кун қолганда, табиат яна бизга байрам совғасини — оппоқ қорни туҳфа этди.

ЁШЛАРГА ЎН БЕШ НАСИХАТ

Байт:

Айла мустаҳкам ишингда, эй ўғил,
Ҳар нима ҳикмат эли дер, қил қабул.

- Сенга ҳаёт бахш этган ота-онангни ва ҳар вақт сенга ёрдам бериб, ҳаётингни қўриқловчи зотларни ҳурмат қил, уларнинг иззат ва иқромларини бажо келтир.
- Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва ёр-дўстларингга муҳаббат ва садоқат ипи билан боғлан.
- Ватаннинг чин, ҳақиқий фарзанди бўл, Ватан ва халққа хизмат қил, манфаат етказ.
- Маъносиз йўллардан, шараф ва номусингни барбод қиладиган ишлардан йироқ бўл.
- Ёшларингни, ҳиссиётинг, соф-поклигингни, сиҳатинг, ор-номусинг, обрў ва эътиборингни қўриқла.
- Севишни бил, муҳаббат ва соғлом ақл ўзингга умр йўлдоши танлашда йўлбошчи бўлсин.
- Уйланишни истар экансан, садоқатли, олижаноб, соғлом, умуман моддий ва маънавий жиҳатдан гўзал хислатларга эга бўлган қизни танла.
- Кучинг етган вақтда дарҳол уйлан, бир оила ташкил қил, ўзингга бир саодат ошенини ҳозирла. Бу ишинг инсоний ва ижтимоий бир вазифа, ўхшаши бўлмаган саодат воситасидир.
- Оиланинг бутун моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъмин қилишга интил, ғайрат қил.
- Жамоат эҳтиёжини ўтайдиган фарзандларни вояга етказ. Фарзандларингни фақат ўзинг учун эмас, Ватанинг, халқинг учун ва инсоният учун тарбия қил.
- Ўғилларингни сабрли, матонатли, фазилатли ва шижоатли қилиб тарбияла, қизларингни ҳам ўзингга умр йўлдоши этиб танлаб олган хотининг сингари гўзал хислатли қилиб вояга етказ.
- Оиланг ҳаётини гўзал суратда давом эттир. Оила даврасини сева, у кўзга ёқимли, қалбга завқ-шавқ бахш этиши учун кучингни сарф қил.
- Уйинг эшиги самимий дўстларинг учун доим очик бўлсин.
- Лутфкор ва шафқатпарвар бўл. Бошларига мушкул иш тушган, фалокатга йўлиққанларга тасалли бер, мушкулликдан қутулишида уларга ёрдам қил.
- Бўш вақтларингдан бир қисмини одоб ва ахлоққа қарши бўлмаган ўйин-кулгиларга сарф қил.

Кўрик-танлов

БИЛИМДОНЛАР
БЕЛЛАШУВИ

Олмалиқда талабалар ва ўқувчиларнинг билим ва дунёқарашларини амалда синаб кўриш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди.

Яқинда «Замона ёшлари» шiori остида шундай тадбир уюштирилган эди. Янги йил арафасида эса улар ўртасида ҳуқуқий ва, умуман, беш йўналиш бўйича билим даражаларини синовдан ўтказиш учун ўзаро беллашув бўлиб ўтди.

Унда шаҳардаги қатор коллежлар ва мактабларнинг жамоалари қатнашдилар. Қизгин ўтган бу баҳсда шаҳар техника коллежи жамоаси барча йўналишлар бўйича яхши кўрсаткичларга эришиб, кўрик-танлов ғолиби бўлди. Компьютер-ахборот технологияси коллежи вакиллари эса иккинчи мукофотли ўринни эгалладилар. Тиббиёт коллежи ва 22-ўрта мактаб жамоалари учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Холниса ЭРМОҶОВА.

Антиқа танлов

ҚОЙИЛ,
«САРТАРОШЛАР»

Фарбий Австралида истикомат қилувчи Маргрент Дарр саккиз соат давомида қўлда 390 та қўйнинг жунини олишга муваффақ бўлди. Янги Зеландиялик Питер Гессерли эса, қайчи билан тўққиз соат тўтовсиз ишлаб 353 та қўйнинг жунини кесишга улгурди. Албатта, жун машинка ёрдамида олинса, меҳнат натижаси анча салмоқли бўлади. Янги Зеландия фуқароси Алэн Макбрайт бунинг исботлади. У тўққиз соатда 805 та қўйни жунидан жудо қилди. Бу бир соатда 89,4 бош қўй жунини қирқиб олинганидан далолат беради.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси бошқарманинг собиқ раҳбари А.Ф.Саидовга падали бузуқворни **ФАТҲУЛЛА** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бир шингил табассум

МИННАТДОР БЎЛДИ

- Бугун ишдан барвақтрок кетишга рўхсат берсангиз. Хотиним билан байрамга у-бу харид қилмоқчи эдик.
- Сизга мутлақо жавоб йўқ.
- Миннатдорман ҳўжайин, сизга катта раҳмат!

ТАЖРИБА АСКОТДИ

- Эшитишимча, жуда бахтиёр эмишсан. Бунга қандай қилиб эришдинг?
- Жуда осон. Бадавлат эрга тегдим. Унинг пули, менинг тажрибам бор эди.
- Энди-чи?
- Энди, унинг тажрибаси, менинг пулим бор.

ХАЙРОН БЎЛДИ

- Хайронман, — деди эр телефонда гаплашган эзма хотинига. — Нечук, бор-йўғи йиғирма дақиқада гапни тугатақолдинг?
- Телефон рақамларини нотўғри терибман, — жавоб қилди хотин.

ЎТМИШДАН КОЛГАН...

- Конфетдан олинг! — илтифот қилди мезбон.
- Конфетингиз ўтган йилнинг октябрь ойида ишлаб чиқарилган экан, — жавоб қилди меҳмон.
- Ҳозир қайси ой?
- Декабрь!
- Қаранг-а, ўтмишдан қолган конфет экан-ку!

УЯЛМАЙСИМИ

- Жаноб бошлик, қачон менга таътил берасиз?
- Таътил, таътил — деб гудурлади бошлик. — Ёзи билан очик дераза ёнида ўтирдингиз. Таътилга чиқаман, дейишга уялмай-сизми?

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТДАГИ ПЕРВАД

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда де-
лиллаларнинг тўғрилиги учун
леқлама ва эълон берув-
чилар масъулдир.